



XALQ DEPUTATLARI NUROTA TUMAN KENGASHI

210700, Nurota t., Islom Karimov sh. k 48, tel: (79)523-12-00

2022 йил «1» феврал

VII-33-6-5-74-K/22

Нурота тумани ҳокимлиги

**Нурота туманини 2022 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш
ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан, ҳалқ депутатлари Нурота тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Н.Турсуновнинг Нурота туманини 2022 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида Нурота тумани масъулларига берган топшириқ ва кўрсатмалари ижро учун қабул қилинсин.

2. Нурота туманини 2022 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида “Йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Нурота тумани сектор раҳбарлари тараққиёт стратегиясидан келиб чиқиб, ҳар бир маҳаллалар кесимида “маҳаллабай” ишлаш бўйича “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқсан.

4. Нурота тумани ҳокими ўринбосарларига:

“Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирлардан келиб чиқиб, ўзларига белгиланган вазифаларни ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш ҳамда натижаларга эришиш;

“Йўл харитаси”ни ҳар бир йўналиш бўйича тегишли туман ташкилоти (бўлим) раҳбарлари билан шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсан.

5. “Йўл харитаси”нинг бажарилишини ҳар ҳафтада ҳоким ўринбосарлари, бўлим бошликлари ва ташкилот раҳбарлари иштирокида танқидий мухокама килиб борилсан.

6. Ҳалқ депутатлари Нурота тумани Кенгаши котибияти (О.Сафаров) “Йўл харитаси”нинг ижросини ҳар ойда Ҳалқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида кўриб чиқилишини таъминласин ҳамда бажарилиши юзасидан тегишли қарор қабул қилсан.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ҳалқ депутатлари туман Кенгашининг Доимий комиссиялари зиммасига юклансин.

Сессия раиси



Safarov O. M.

Халқ депутатлари Нурота туман Кенгашининг
2022 йил 1 февралдаги
VII-33-6-5-74-K/22-сон қарорига
1-илова

**Нурота тумани ҳокимининг 2022 йилда туманин ижтимоий-иктисодий ривожлантириши
ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш бўйича**

ЙЎЛ ХАРИТАСИ

T/p	Амалга оширилиши белгиланган чора-тадбирлар	Муддат	Эришиладиган натижа
I. Молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича			
(туман ҳокимининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари)			
1	<p>Тараққиёт стратегиясининг 3-устувор йўналишига мувофиқ мавжуд захира ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этган холда, иктисодиёт тармоқларининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш. (1-ИЛОВА)</p> <p>Бунда:</p> <ul style="list-style-type: none"> - саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 433,7 млрд.сўм ёки 108,2 фоизга; - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш 1634,8 млрд.сўм ёки 104,1 фоизга; - хизмат кўрсатиш 470,5 млрд.сўм ёки 148,4 фоизга; - чакана товар айланмаси 490,5 млрд.сўм ёки 111,7 фоизга; - курилиш-пудрат ишлари 340,9 млрд.сўм ёки 107,5 фоизга; - экспорт 3,6 млн. долларга ёки 110,0 фоизга. <p>Туманин ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда асосий “ўсиш нукталари”-драйвери сифатида мармар ва гранит маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кичик саноат зонасини ҳамда паррандачилик, туризм, узумчилик ва йўл бўйи инфратузилмаси ривожлантириш ҳамда хизматлар соҳасини ривожлантириш.</p>	<p>январь-декабрь</p> <p>хар чорак якуни билин муҳокама қилиб борилади</p>	<p>Иктисодиёт тармоқларида юқори ўсишга эришилиб, 42,7 млрд.сўмлик кўшилган қиймат яратилади ва 4,5 млрд.сўм кўшимча бюджет тушумлари таъминланади.</p> <p>Аҳоли жон бошига:</p> <ul style="list-style-type: none"> - саноат маҳсулотлари 3,7 млн. сўмдан 4,9 млн. сўмга; - қишлоқ хўжалиги 18,3 млн. сўмдан 18,7 млн. сўмга; - хизмат кўрсатиш 3,6 млн. сўмдан 5,4 млн. сўмга; - чакана товар айланмаси 4,6 млн. сўмдан 5,6 млн.сўмга; - экспорт 44,9 доллардан 55,6 долларга етказилади. <p>“ўсиш нукталари”ни ривожлантириш орқали:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 60,7 минг бош парранда ва 20,8 млн. дона тухум етиширилади; - 315 гектар узумзор ташкил этилади; - 10 та меҳмон уйлари ташкил этилади; - йўл бўйича 112 дан ортиқ хизмат кўрсатиш лойиҳалари амалга оширилади. <p>- мармар ва гранит захираларидан унумли фойдаланилган холда кўшимча 3 та янги норуда фойдали қазилма конлари ўзлаштирилади.</p>

2	<p>Тараққиёт стратегиясининг 3-устувор йўналишига мувофиқ хизматлар ҳажмини 470,5 млрд.сўмга ёки ўсиш суръатини 148,4 фоизга етказиш. (2-ИЛОВА)</p> <p>Бунда: худудий дастурлар доирасида қиймати 59,2 млрд.сўмлик 23 та лойиҳани амалга ошириш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - ПҚ-5113-сонли қарорига асосан қиймати 4,5 млрд.сўмлик 5 та йўл бўйи лойиҳаларини амалга ошириш; - этишмайдиган 183 та хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил этиш. <p>Натижада, кўшимча хизматлар ҳажми:</p> <ul style="list-style-type: none"> - мавжуд корхоналар ҳисобига 353,0 млрд.сўм; - зарурый шаҳобчаларини ташкил этиш ҳисобига 13,9 млрд.сўм; - инвестиция дастури доирасида ишга тушадиган лойиҳалар ҳисобига 52,1 млрд.сўм; - камерал ва профилактик назорат ҳисобига 42,5 млрд.сўм; - янги хизмат турларини ўзлаштириш ҳисобига 3,5 млрд.сўм; - туризмни ривожлантириш ҳисобига 5,5 млрд.сўмлик хизмат ҳажми кўрсатиш. <p>“Сентоб”, “Чуя” ва “Сайдато” МФЙларида зиёрат ҳамда эко туризм йўналишида ривожлантириш, янги оиласиий меҳмон уйлари шунингдек бошқа хизмат кўрсатиш обьектлари ташкил этиш орқали хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш.</p>	январь-декабрь хар чорак якуни билин муҳокама килиб борилади	<p>Аҳолининг зарурий хизматлардан фойдаланиш имконияти ошади, 127,2 млрд.сўмлик кўшимча қиймат яратилиб, бюджетга кўшимчага 11,2 млрд.сўм тушум туширилиши таъминланади.</p> <p>Бунинг натижасида, хизматлар соҳалари бўйича</p> <ul style="list-style-type: none"> - алока ва ахборотлаштириш хизматлари 21,1 фоизга; - молиявий хизматлар 22,0 фоизга; - транспорт хизматлари 20,7 фоизга; - яшаш ва овқатланиш хизматлари 22,4 фоизга; - савдо хизматлари - 20,7 фоизга; - таълим соҳасидаги хизматлар 21,2 фоизга; - соглиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар 22,7 фоизга; - компьютерлар ва майший товарларни таъмирлаш хизматлари - 20,5 фоизга; - бошқа хизматлар - 20,3 фоизга ўсиши таъминланади. <p>Хизматлар соҳасида жами 1864 та иш ўринлари яратилади ва ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланади.</p>
3	<p>Туманда тадбиркорликни ривожлантириши, уларнинг фаолиятини янада кўллаб-куватлаш мақсадида:</p> <ul style="list-style-type: none"> - “0” ҳисобот топширган 62 та корхоналарни таҳлил қилиш; - фаолият кўрсатмаётган 40 та корхоналар фаолиятини тиклаш чораларини кўриш; - норасмий ишлаётган 1250 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар фаолиятини легаллаштириш; - 282 та янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш; - тадбиркорлик субъектларини молиявий кўллаб-куватлаш учун кредит маблағлари ажратиш; - оиласиий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 2781 нафар юридик ва жисмоний шахсларга 63,9 млрд.сўмлик кредитлар ажратиш. 	январь-декабрь хар чорак якуни билин муҳокама килиб борилади	<p>Тадбиркорлик субъектларининг сони кўпайиши ва иқтисодиётда норасмий сектор улушини қисқартириш натижасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми оширилиб, кўшимча бюджет тушумлари таъминланади. Кўшимча иш ўринлари яратилади.</p> <p>фаолият кўрсатмаётган 40 та корхоналар фаолиятини тикланади, норасмий ишлаётган 1250 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар фаолияти легаллаштирилади;</p> <p>282 та янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этилади, оиласиий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 2781 нафар шахсларга 63,9 млрд.сўм имтиёзли кредитлар ажратилади.</p>

4	<p>Тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш натижасида маҳаллий бюджетга 28,0 млрд.сўм бюджет тушумлари, шундан 4,8 млрд.сўм қўшимча солик тушумларини туширилиши таъминлаш.</p> <p>Жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 0,6 млрд.сўм камерал назорат тадбирлари хисобидан; - 0,8 млрд.сўм бокиманда қарздорликни ундириш хисобидан; - 1,0 млрд.сўм онлайн назорат-касса машиналарни ўрнатиш хисобидан; - 0,6 млрд.сўм карьерларда замонавий онлайн камера ўрнатиш хисобидан; - 1,8 млрд.сўм қўшимча бюджет-солик манбаларнинг шаклланиши хисобидан. 	январь-декабрь хар ой якуни билин мухокама қилиб борилади	<p>Бюджетга қўшимча тушум таъминланиши хисобига ижтимоий ҳимояга мухтоҷ фуқароларни қўллаб-кувватлаш мақсадида “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари” жамғармаларига жами 4,3 млрд.сўм маблаглар йўналтирилади.</p> <p>Фуқаролар бюджети манбаси 7,1 млрд.сўмга кенгайтирилиб, ижтимоий ва коммунал соҳалардаги муаммолар ечими ва аҳолини турмуш фаравонлигини яхшилашга йўналтирилади.</p>
5	<p>Тараққиёт стратегиясининг 6-устувор йўналишига мувофиқ туманда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2022 йил якунига қадар камбағаллик даражасини пасайтириш.</p> <p>“Маҳаллабай” ишлаш тизимида 31 та маҳаллаларга “Хоким ёрдамчилари” лавозимини жорий этилди. Ҳар бир маҳалланинг “ўсиш нуқтаси”ни инобатга олган ҳолда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чоратадбирларига жами 73,8 млрд.сўмлик молиявий ресурслар йўналтирилади. Бунинг хисобига 5279 нафар ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш.</p> <p>Бунда:</p> <ul style="list-style-type: none"> - давлат ва худудий инвестиция дастурлари доирасида 578 нафар; - Бандлик вазирилиги маблағлари хисобига 925 нафар; - оиласий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 2866 нафар; - “етакчи тадбиркорлар” орқали ишсиз аҳолини кооперация килиш асосида 210 нафар; - норасмий ишчиларни легаллаштириш ҳамда фуқароларни ўзини-ўзи банд қилиш хисобига 700 нафар. 	йил давомида хар чорак якуни билин мухокама қилиб борилади	<p>Ахолининг доимий даромад манбай яратилиб, турмуш фаравонлиги оширилади, камбағаллик даражаси қисқартирилган ҳолда ишсизлик даражаси 10,2 фоиздан 6,4 фоизга пасайтиради.</p> <p>“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритиладиган оила ва фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий аҳволини яхшилаш имконияти яратилади.</p> <p>Давлат ва худудий инвестиция дастурлари доирасида 578 нафар, бандлик жамғармаси маблағлари хисобига 925 нафар, оиласий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 2866 нафар, “Етакчи” тадбиркорлар орқали аҳолини кооперация килиш асосида 210 нафар, норасмий ишчиларни легаллаштириш ҳамда фуқароларни ўзини-ўзи банд қилиш хисобига 700 нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланади.</p>
6	Тараққиёт стратегиясининг 4-устувор йўналишига мувофиқ 2022 йилда эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан қамраб олиш.	Йил давомида	Туманда қўшимча эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан қамраб олинади, уларнинг турмуш шароити яхшилашига эришилади.
7	Тараққиёт стратегиясининг 6-устувор йўналишига мувофиқ хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини ҳамда самарали миграция сиёсатини юритиш бўйича ишларни ташкил этиш.	йил давомида	Касбга ва тилга ўқитиш марказлари орқали чет элда ишлаш истагини билдирган фуқаролар ўқитилиб, хавфсиз ва тартибли меҳнат миграцияси орқали хорижий давлатларга ишлаш учун юборилади.
<p>II. Инвестиция, экспорт ва саноатни ривожлантириш масалалари бўйича (туман ҳокимининг ўринбосари - инвестициялар ва ташки савдо бўлими бошлиғи)</p>			

8	<p>Худудий инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 203.5 млрд. сўм бўлган 60 та лойиҳаларни амалга ошириш. (З-ИЛОВА)</p> <p>Шундан, <u>Саноат йўналишида умумий қиймати 106.4 млрд.сўм бўлган 17 та лойиҳалар;</u> <u>Хизмат кўрсатиш йўналишида умумий қиймати 67.2 млрд.сўм бўлган 23 та лойиҳалар;</u> <u>Кишлоқ хўжалиги йўналишида умумий қиймати 29.8 млрд.сўм бўлган 20 та лойиҳаларни амалга ошириши.</u> Ушбу лойиҳаларни амалга оширишида, хорижий кредит линиялари орқали 2.3 млн. доллар; Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан 2.1 млн. доллар; Тижорат банк кредити ҳисобидан 33.1 млрд.сўм маблағларни жалб этиши.</p>	январь- декабрь	<p>Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига:</p> <ul style="list-style-type: none"> - жами 580 та янги иш ўринлари яратилади; - саноат соҳасида кўшимча 40.9 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 387 та янги иш ўринлари яратилади ва 6.0 млрд.сўм бюджет тушумлари таъминланади; - хизмат кўрсатиш соҳасида 20.8 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилиб, 119 та янги иш ўринлари яратилади ва 3.4 млрд.сўм бюджет тушумлари таъминланади; - қишлоқ хўжалигига 12.5 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 74 та янги иш ўринлари яратилади ва 1,8 млрд.сўм бюджет тушумлари таъминланади.
9	<p>Тараққиёт стратегиясининг 3-устувор йўналишига мувофиқ туманда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, 2022 йилда 4,4 млн. доллари миқдорида хорижий инвестицияларни жалб этиши.</p>	хар чорак якуни билан муҳокама қилиб борилади	<p>Туман иқтисодиётига 4,4 млн. доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб этилади.</p>
10	<p>Тараққиёт стратегиясининг 3-устувор йўналишига мувофиқ туманда экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2022 йилда товар ва хизматлар экспорти ҳажмини 3.6 млн. долларга ва ўсиш суръатини 110 фоизга етказиши.</p> <p>Бунда:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 3.1 млн. долларлик саноат маҳсулотлари; - 0.5 млн. долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга чиқарилади. <p>Экспорт географиясини 3 тага кенгайтириш, маҳсулот турларини 3 тага кўпайтириш. Экспортёр - корхоналар сонини 3 тага ошириш.</p>	<p>январь- декабрь,</p> <p>хар ой якуни билан муҳокама қилиб борилади</p>	<p>Экспортёр корхоналарнинг иқтисодий барқарорлиги ошади. Жаҳон бозорида ракебатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш саломги ортади. Валюта тушуми 25,0 фойзга ўсиши таъминланади ва корхоналарни замонавий технологиялар асосида модернизация қилиш имконияти яратилиб, янги турдаги импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилади.</p> <p>15,0 минг долларлик каштачилик маҳсулотларини Руминия давлатига экспорт қилиш орқали экспорт географияси кенгаяди.</p>
11	<p>Туманда 3 гектар ер майдони негизида Ёшлар саноат тадбиркорлик зonasи ҳамда 10 гектар ер майдонида 3 та лойиҳа, Кичик саноат зоналари ташкил этилиб, ушбу кичик саноат зоналарида белгиланган тартибида 5 та лойиҳаларни жойлаштириш.</p>	январь- декабрь	<p>Кичик саноат зонасида жами 2.0 млрд.сўмлик импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилади.</p> <p>50.0 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, 5.0 млрд.сўмлик бюджет тушуми таъминланади. 65 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. 0,3 млн. долларлик маҳсулотлар экспорт қилинади.</p> <p>Ёшлар саноат тадбиркорлик зонасида қиймати 12.0 млрд.сўмлик 3 та лойиҳани амалга оширилиши ҳисобига 25 та янги иш ўрни яратилиб, ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланади.</p>
<p>III. Капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича (туман ҳокимнинг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари)</p>			

12	2022 йилда 2 та кўп қаватли жами 40 та хонадон куриб, фойдаланишга топшириш; Ушбу худудда яшовчи аҳолига шароит яратиш мақсадида: - 2 та савдо ва майший хизмат кўрсатиш объектлари барпо қилиш.	январь-декабрь	2 та кўп қаватли жами 40 та хонадон куриб, фойдаланишга топшириш хисобидан аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи 20,5 фоизга қопланади ва турмуш фаровонлиги ошади.
13	Давлат инвестиция дастури доирасида жами 68,8 млрд.сўмлик курилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш. Бунда: - 1 та соғлиқни сақлаш обьекти учун 15,0 млрд.сўм; - 1 та МТМ обьекти учун 4,0 млрд.сўм; - 1 та умумтаълим мактаби учун 1,8 млрд.сўм; - “Обод марказ” учун 4,8 млрд.сўм; - 6 км ўйл таъмирлаш ишлари учун 21,0 млрд.сўм; - электр тармоқларида 37 дона ТПлар ва 107 км тармоқларни таъмирлаш учун 22,2 млрд.сўм.	февраль-декабрь хар чорак якуни билан муҳокама килиб борилади	Тумандаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйига 100 ўринли ётоқхона ва ёрдамчи биноларни курилади; 6-сонли умумтаълим мактаби учун 160 ўринли кўшимча ўкув ўрни биносини курилади; 19 та янги тармоқ подстанцияси ўрнатилади, 2 та подстанция таъмирланади ҳамда 65,0 км электр тармоғи тортилиб, 10 та маҳаллада электр энергияси билан таъминлаш сифати яхшиланади.
14	“Обод қишлоқ” дастури доирасида жами 23,1 млрд.сўм маблаг хисобидан “Жарма” ва “Сентоб” қишлоқларида ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш. Бунда: - 2 та сув иншооти қуриш, 2 та сув иншоот реконструкция килиш ва 12,4 км сув тармоғи қуриш учун 3,4 млрд.сўм; - 4 та янги трансформатор, 35 км электр тармоқлари ва 160 та бетон устунлар ўрнатиш учун 2,1 млрд.сўм; - ички йўлларни 8,0 км асфальт, 35,4 км қум-шагал, жами 44,4 км йўлларни таъмирлаш учун 4,8 млрд.сўм; - 530 млн.сўмлик 212 та якка тартибдаги уйларнинг фасад қисмларини таъмирлаш; - 8,9 млрд.сўмга 6 та мактаб жорий таъмирлаш; - 3,4 млрд.сўмлик 1 та соғлиқни сақлаш муассасаси жорий таъмирлаш.	февраль-октябрь	“Жарма” ва “Сентоб” қишлоқларида ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш хисобига аҳолининг турмуш шароити яхшиланади. Қишлоқ худуди ободонлаштирилади. Қишлоқлар худудида киймати 300,0 млн.сўмлик савдо ва майший хизмат обьектлари ташкил этилади. 2 та сув иншооти қурилади, 2 та сув иншоот реконструкция қилинади ва 12,4 км сув тармоғи қурилади, - 14 та янги трансформатор, 35 км электр тармоқлари ва 160 та бетон устунлар ўрнатилади; - ички йўлларни 8,0 км асфальт, 35,4 км қум-шагал, жами 44,4 км йўллар таъмирланади; - 212 та якка тартибдаги уйларнинг фасад қисмларини таъмирланади; - 6 та мактаб жорий таъмирланади; - 1 та соғлиқни сақлаш муассасаси жорий таъмирланади.
15	Тумандаги Э.Судур МФЙда жойлашган 6 та кўп қаватли уйларнинг том қисми, фасад қисми ва кириш йўлакларини таъмирлаш.	январь-ноябрь	6 та кўп қаватли уйларнинг том қисми, фасад қисми ва кириш йўлаклари таъмирланиши хисобидан 48 та хонадонларнинг яшаш шароитлари яхшиланади.
16	Электр таъминоти оғир бўлган 10 та маҳаллага 19 та тармоқ подстанцияси ва 107 км тармоқларни таъмирлаш ва янгидан қуриш ишларини амала ошириш.	январь-ноябрь	19 та тармоқ подстанцияси ва 107 км тармоқларни таъмирлаш ва янгидан қуриш ишларини амала ошириш хисобидан 3 350 та хонадоннинг электр таъминоти яхшиланади.
17	Замонавий аҳборот-коммуникация технологиялари, телекоммуникация тармоқлари ва аҳборот тизимларини ривожлантириш ва кенг жорий этиш мақсадида умумий узунлиги 15 км бўлган оптик толали алоқа линиялари ётказилади.	март-декабрь	Аҳоли масканларининг кенг полосали интернетга уланиш қамрови 60 фоизга ётказилади.

18	Тумандаги 160 километрлик тупрок йўлларини 2022 йил якунига қадар тўлиқ таъмиглаштириш.	Йил давомида	Туманда тупрок йўллари тўлиқ шағалли йўлларга ўтказишга эришилади.
19	Тараққиёт стратегиясининг 6-устувор йўналишига мувофиқ экология ва атроф-муҳитни мухофаза қилиш, туманда экологик ахволни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш.	февраль-март	Лойиҳа доирасида баҳор мавсумида манзарали, мевали ва бутасимон дараҳт кўчатлари экилиши таъминланади ва доимий парвариши йўлга кўйилади.

IV. Қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш масалалари бўйича
(туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари)

20	<p>Тумандаги қишлоқ хўжалигидаги сугориладиган 6438 гектар ер майдонларида қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш.</p> <p>Бунда: фермер хўжаликларида 270 га ва аҳоли томорқаларида 386,1 га сабзавот;</p> <ul style="list-style-type: none"> - фермер хўжаликларида 351 га ва аҳоли томорқаларида 19 га картошка; - фермер хўжаликларида 192 га ва аҳоли томорқаларида 48,4 га полиз; - фермер хўжаликларида 345 га ва аҳоли томорқаларида 16,3 га дуккакли экинлар; - фермер хўжаликларида 501 га мойли экинлар; <p>Туманда қиймати 9,1 млрд.сўмлик 1 та узумчилик кластери ташкил этиш, шунингдек, боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларига 5,7 млрд.сўм субсидия маблағлари ажратиш.</p>	январь-декабрь	<p>Сугориладиган ерларга қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш натижасида:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 21,6 минг тонна сабзавот, - 8,8 минг тонна картошка; - 10,0 минг тонна полиз; <p>1 та узумчилик кластери ташкил этиш хисобига ердан фойдаланиш самарадорлиги ортади, 19 та маҳалладаги 92 та хонадон кооперация асосида кластерга бириттирилади.</p>
21	<p>Туманда 1550 га лалми ва яйлов ер майдонларини ўзлаштириш хисобига:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 315 га узум плантацияси; - 770 га интенсив боғ ва писта плантацияси; - 465 га озуқа экинлари экилишини ташкил қилиш. 	январь-декабрь	<p>Лалми ва яйлов ерларни ўзлаштириш натижасида:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 315 га узум плантацияси; - 770 га интенсив боғ ва писта плантацияси; - 465 га озуқа экинлари экилиши хисобига 14,3 минг тонна қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилиши, 21,4 млрд.сўм даромад олиниши таъминланади.
22	<p>Чорвачилик соҳасида 10,5 млрд.сўмлик 8 та лойиҳалар амалга оширилиб 90 бош наслли йирик шохли ва 5100 бош майда шохли моллар олиб келиш.</p> <p>Паррандачилик соҳасида 3,2 млрд.сўмлик 1 та лойиҳа амалга ошириш хисобига 20 минг гўшт йўналишидаги паррандачилик комплексини ишга тушириш.</p> <p>Балиқчилик йўналишида 6,0 млн. сўмлик 1 та лойиҳа амалга ошириш.</p>	январь-декабрь	<p>Чорвачиликни ривожлантириш натижасида қўшимча:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 259 тн сут ва 240 тонна гўшт етиштирилади; - 30 тн парранда гўшти етиштирилади; - 250 тн балиқ маҳсулотлари етиштирилади.
23	<p>Тараққиёт стратегиясининг 3-устувор йўналишига мувофиқ туманда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш хисобига:</p> <ul style="list-style-type: none"> - жами 1 000 гектар, шундан 850 гектар боғ ва узумчиликда томчилатиб сугориш технологияси жорий қилиш. <p>Бундан ташқари, 150 гектар ер майдонида ёмғирлатиб сугориш жорий этиш.</p>	январь-декабрь	<p>Ўзлаштириладиган ер майдонларида 3,0 млн. метр куб сув тежалади ва ўртача 2,7 млрд.сўм тегишли маблағлар иқтисод қилинади.</p>

24	Туманда 2022 йилда 64,9 минг тонна мева-сабзавот, 24,9 минг тонна гүшт ва 40,7 минг тонна сут етишириш. Етиширилган сабзавот маҳсулотларининг 3,0 минг тоннаси “Нурота томорқа кластер” МЧЖ томонидан қайта ишлаш.	январь-декабрь	Мева-сабзавот кластери корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш натижасида: мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси 13,8 фоизга; сут маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси 0,2 фоиздан 0,3 фоизга етказилади.
----	--	----------------	--

V. Ижтимоий ривожлантириш, ёшлар сиёсати ва маънавий-маърифий масалалар бўйича

(туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари)

25	Тараққиёт стратегиясининг 4-устувор йўналишига мувофиқ мактабгача таълим қамровини 78,0 фоизга етказиш, тизимда конунбузилиш ҳолатларини олдини олиш. F.Фулом МФЙда 1 та мактабгача таълим ташкилоти реконструкция килиш; 6-сонли умумтаълим мактабини реконструкция килиш ҳамда 160 ўринли янги бино қуриш; 10 та 25 ўринли оиласий давлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этиш.	хар чорак якуни билан	Битирувчиларга олий таълим муассасалари билан “Очиқ эшиклар” тадбирлари ўтказилиб, ўкувчиларни кейинги боскич таълим билан яқиндан танишиш имконияти яратилади. - 3 ёшдан 7 ёшgacha болаларни қамраб олиш даражаси 70,2 фоиздан 78 фоизга етказилади. Тумандаги умумтаълим мактаби бинолари капитал реконструкция қилинib, янги бинолар қурилиши хисобига ўкувчиларни ўқитиш қамрови ошади.
26	“Амир Темур” ва “Янги ҳаёт” МФЙларда 2 та оиласий шифокорлик пунктлари ташкил этиш. Бунда, оиласий шифокорлик пунктларини 20 дона компьютер жамланмаси билан таъминлаш. Бундан ташқари, Сувлик МФЙдаги Оиласий шифокорлик пунктига 1 дона тиббий автотранспорт воситаси билан таъминлаш.	январь-октябрь	Туман марказидан узокда яшайдиган аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш қамровини ошириш имконини яратади.
27	Тумандаги 5 нафар буйрак етишмовчилиги билан касалланган беморларга маҳаллий бюджет хисобидан бепул дори-дармонлар олиб бериш.	хар чорак якуни билан	Аҳоли ўртасида юрак қон томир касалликларининг олди олинади, узок худудларда яшовчи аҳолининг ҳам малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш даражаси ошади.
28	Тараққиёт стратегиясининг 4-устувор йўналишига мувофиқ ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш. Тумандаги маҳалларга танлаб олинган 31 нафар “Ёшлар етакчиси” фаолиятини йўлга кўйиш; Мазкур номзодлар томонидан маҳалладаги “Ёшлар баланси”ни (расмий банд, норасмий банд, ишсиз, уюшмаган ёш ва бошқа) бўйича маълумотларни шакллантириш; Соглом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш борасида — мини-футбол, волейбол, баскетбол, стол тениси, велоспорт, югуриш, шахмат, шашка, бадминтон, камондан отиш бўйича мусобақаларни ташкил этиш; Тадбиркорлик гояларини кўллаб-куватлаш борасида — “Ўзбекистон учун 100 фоя” ва “Маҳалланинг ишбилармон тадбиркори” танловлари, “Бизнесга биринчи қадам” грант лойиҳаси ҳамда муваффақиятга эришган тадбиркорлар билан учрашувларни ташкил этиш.	Йил давомида	Тумандаги мавжуд 42 912 ёшлар (0-30 ёшгacha) дан 18-30 ёшгacha бўлган ёшлар 16 299 нафар ташкил этади. Мазкур лавозимга кўрсатилган ёшлар томонидан 30 мингдан зиёд ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказилади ҳамда банд бўлмаган 2,5 мингдан зиёд ёшларнинг бандлиги таъминланади. Маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштирилади, Шунингдек ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашилади.

VI. Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш масалалари бўйича

(туман ҳокимининг ўринбосари - маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бўлими бошлиги)

29	<p>Хар бир маҳалла фуқаролар йигинига кексалар маслаҳат гурухини янгидан ташкил этиш.</p> <ul style="list-style-type: none"> - хар бир маҳаллага 15 нафардан фаол, обрў-эътиборли нуронийлар жалб этиш. (31 та МФЙга) 465 нафар нуроний бириктирилади) - 1965 нафар нуронийлар (905 нафар аёллар) тиббий кўриқдан ўтказиш; - 138 нафар ногирон кексалар, 55 нафар фронт орти қатнашчилари ва 53 нафар якка-ёлғиз кексаларга манзилли тиббий ёрдамлар кўрсатиш. <p>“Саломатлик учун – 5 000 қадам” шиори остида маҳаллаларда хафтанинг шанба кунлари тадбирлар ўтказиш;</p> <p>7 та нотинч оиласга 7 нафар нуроний бириктириш;</p> <p>“Адолатли қайнона”, “Ёшлар мураббий”, “Ахил оила”, “Уч авлод учрашуви” “Ибрат мактаби”, “Хонадон файзи”, “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Донишмандлик фасли”, “Кексалар маърифати” кўрик танлови ва бошқа тадбирларни ўтказиш.</p>	январь-декабрь	<p>Кекса, ногирон ва якка ёлғиз қариялар ижтимоий ва маънавий қўллаб кувватланади.</p> <p>хар бир маҳаллага 15 нафардан фаол, обрў-эътиборли нуронийлар жалб этилади;</p> <ul style="list-style-type: none"> - 1965 нафар нуронийлар тиббий кўриқдан ўтказилади; - 138 нафар ногирон кексалар, 55 нафар фронт орти қатнашчилари ва 53 нафар якка-ёлғиз кексаларга манзилли тиббий ёрдамлар кўрсатилади. <p>31. та нотинч оиласга 31 нафар нуроний бириктирилади;</p>
30	<p>Тараққиёт стратегиясининг 4-устувор йўналишига мувофиқ хотин-қизларни қўллаб-куватлаш, уларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида</p> <p>5 нафар депутат аёлларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда хукуқлари бузилаётган хотин-қизларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун 31 та маҳаллаларга бириктириб, аниқланган муаммолар Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида муҳокама қилиб бориши.</p> <p>Хотин-қизларнинг 318 нафарига муносиб иш топиш,</p> <p>85 нафарига тадбиркорлик қилиш, 150 нафарига ўқув курсларига ўқитишига кўмаклашиш;</p> <p>ажрим ёқасига келиб қолган 72 нафар оиласларнинг муаммолари ҳал этиш,</p> <p>12 та шаърий никоҳ асосида яшаётган оиласлар қонуний расмийлаштириши.</p>	Йил давомида	<p>Хотин-қизларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатлари таъминланади.</p> <p>Хотин-қизларнинг 318 нафари муносиб иш билан таъминланади, 85 нафарига тадбиркорлик қилиш, 150 нафарига ўқув курсларига ўқитишига кўмаклашилади;</p> <p>Ажрим ёқасига келиб қолган 72 нафар оиласларнинг муаммолари ҳал этилади, 12 та шаърий никоҳ асосида яшаётган оиласлар қонуний расмийлаштирилади.</p>
31	<p>Тараққиёт стратегиясининг 2-устувор йўналишига мувофиқ “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамоили асосида ҳар бир маҳаллада ойига 4 марта “Ҳамжиҳатлик бор жойда жиноятга ўрин йўқ” шиори остида профилактика кунлари ўтказиш.</p> <p>Аҳоли хонадонларида видеокузатув мосламаларини ўрнатилиши борасида хонадон эгалари билан тарғибот ташвиқот ишларини олиб бориши.</p>	Апрел- май	<p>Оиласлар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳит яхшиланади.</p> <p>31 та нотинч оиласлар ҳамда 72 та ажрим ёқасига келиб қолган оиласларда соғлом муҳит яратилади.</p> <p>Аҳоли хонадонларида видеокузатув мосламаларини ўрнатилиши ҳисобидан жиноятчилик сони кескин камайишга эришилади.</p>

32	<p>“Ногиронлар куни” муносабати билан 138 нафар якка-ёлгиз, 130 нафар кекса ногирон отахон ва онахонларга “Мehr улашайлик“ байрам дастурхони ташкил этиши. Ногиронлиги бўлган 18 нафар отахон ва онахонлар реабилитация воситалари билан таъминлаш.</p> <p>8 март Халқаро хотин-қизлар куни”, “Наврӯз”, 9 май Хотира ва қадрлаш куни”, “Рамазон ҳайити”, Мустақилигимизнинг 31 йиллиги, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Кексалар хафталиги, байрам тадбирлари кекса отахон онахонлар ҳолидан хабар олиш.</p>	январь-декабрь	<p>Ёлғиз кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ва кам таъминланган оиласарнинг ижтимоий ахволи яхшиланади.</p> <p>Ногиронлиги бўлган 18 нафар отахон ва онахонлар реабилитация воситалари билан таъминланади.</p>
----	--	----------------	--

VII. Секторлар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича (сектор раҳбарлари)

33	Сектор раҳбарлари томонидан тасдиқланган сектор аъзоларининг иш фаолияти, шарт-шароитлари таъминлаш ва ишлаб чиқилган “йўл ҳарита”сида белгиланган топшириқлар ижроси хар ҳафта якуни билан муҳокама қилиниб бориш.	хар ҳафта якуни билан	Сектор штаби фаолияти тизимли равишда йўлга қўйилади.
34	<p>Хар бир сектор раҳбари уйма-уй юриш ва аҳоли билан учрашувлар асосида маҳаллада долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни бевосита жойида бартараф этиши.</p> <p>31 та маҳаллаларда тасдиқланган график асосида ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда хонадонбай ўрганишлар ўтказиши.</p>	хар ой якуни билан	Аҳоли билан учрашувларда уларнинг муаммолари аниқланади, мавжуд муаммолар жойида бартараф этилади.
35	Сектор раҳбарлари томонидан 31 та маҳаллада навбати билан хафтада бир кун жисмоний шахслар билан уларнинг ижтимоий масалалари ҳамда юридик шахслар билан тегишли фаолият соҳалари кесимида “Сайёр қабуллар” ва “Сектор раҳбари ва ёшлар” учрашувлари ўтказиб бориш.	хар ой якуни билан	Аҳоли мурожаатлари жойида тингланиб, масалалар ҳал этиб борилади, мурожаатлар сони камаяди.

VIII. Халқ депутатлари Кенгаши фаолиятини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, коррупцияга қарши қурашиш масалалари бўйича (халқ депутатлари туман кенгаши)

36	Тараққиёт стратегиясининг 1-устувор йўналишига мувофиқ қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида сектор раҳбарларининг ҳисоботларини эшлиши.	хар чорак якуни билан	Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар таҳлилига кўра, депутатлик сўровларига ўз муддатида жавоб бермаган мутасадди раҳбарларининг ҳисоботларини эшлитиб бориш тизими йўлга қўйилади.
----	--	-----------------------	---

37	Сектор ва ташкилотлар раҳбарларининг фаолияти юзасидан хисботларини эшитиш ҳамда танқидий муҳокама этган ҳолда тегишли йўналишлар бўйича қарорлар қабул қилиши	хар чорак якуни билан	Сектор раҳбарларининг уйма-уй юриш ва аҳоли билан учрашувлар асосида энг куйи бўғинда-маҳаллада долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни бевосита жойида бартараф этиш каби натижадорликка эришилади; Ташкилот раҳбарларининг фаолияти юзасидан хисботларини эшитиш бориши орқали, соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда фаолиятига танқидий ёндашишлигини таъминлашга эришилади.
38	Амалга оширилаётган ишлар тўғрисида аҳолини хабардор этиб бориши	Доимий	Ҳокимликнинг веб сайти ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали туман ҳокимлиги ҳамда сектор раҳбарларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб бораётган амалий ишлари ва тадбирлари тўғрисида аҳолини мунтазам хабардор қилиб борилади.
39	Халқ қабулхонаси томонидан секторлар ва ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарларининг фаолияти, мурожаатлар билан ишлаш ҳолати бўйича киритган ахбороти юзасидан хисботларини эшитиш	хар чорак якуни билан	Халқ қабулхонаси томонидан секторлар ва ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари фаолияти, мурожаатлар билан ишлаш ҳолати бўйича киритган ахбороти юзасидан хисботларини эшитиш орқали аниқланган камчилик ва муаммоларни сессия муҳокамасига киритилиб ўз вақтида бартараф этиш чоралари кўрилади.
40	Коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш, ушбу жараёнга жамоатчиликни кенг жалб этиши.	хар чорак якуни билан	Коррупцияга қарши курашиш ҳамда ушбу жараёнга жамоатчилик ва халқ депутатлари туман кенгашини кенг жалб этиш орқали очиқлик, ошкоралик ва давлат органларида инсон омилини камайтириб, коррупцияни олдини олишга эришилади.